



Барно Унгбоева

Ўзбекистон миллий метрология
институти илмий-тадқиқот ва
инновацияларни ривожлантириш
бўйича директор маслаҳатчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (Phd).

E-mail:

barnoungbaeva066@gmail.com

СОВЕТ ДАВЛАТИ СИЁСАТИНИНГ МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИГА ТАЪСИРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17605725>

Аннотация: Мақолада ўзбек кинематографиясининг ривожланиш босқичлари тўғрисида таҳлилий мулоҳаза юритилиб, мустабид тузум кино санъатининг эркин ривожланишида тўғанок бўлганлиги, шу билан биргаликда, ўша даврда советлар ролини кучайтириш ва коммунизм ғояларини сингдиришда кино соҳаси ташвиқот ва тарғибот куралига айланиб борганлигини очиб берган.

Таянч сўзлар: Туркгоскино, Бухкино, Ўзбекистон давлат кино, “Шарқ юлдузи” трести, совет, маданият, марказий комитет.

Кириш. Ўзбек кино санъатининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак бир асрдан узокроққа бориб тақалади. Бу бир асрдан ортиқ бўлган шонли ўтмиш айнан совет давлати даврида шаклланиганини, халқнинг етук кино усталари ана шу вақтда етишиб чиққанлигини, шу билан биргаликда маълум мафкуравий тазйиқлар, сиёсий таъсирлар, ижодий чекловларга қарамай миллий кинонинг шоҳ асарлари мана шу даврда яратилганлигини, XX аср бошларида нашр

этилган газета ва журналлар том маънода янги ўзбек киносининг туғилиши ва шаклланишидек мураккаб жараёни акс эттирувчи кўзгу вазифасини ўтаганлигини инкор этиб бўлмайди. Ўша даврда киносининг ғоявий-бадий савиясини ошириш, унинг моддий техникасини кучайтириш борасидаги бир қатор фармон, қонунлар қабул қилиб, маълум вазифалар амалга оширилган бўлса-да, лекин мутахассисларнинг етишмаслиги, киноаппаратлардаги арзимаган камчиликлар бу амалга оширилаётган ишларнинг ўзи кети ўйланмаган, охири ҳақида аниқ хулосалар бўлмаган ишлар эканлигидан далолат берар эди. Ўрганишлар натижасида шу хулосага келиндики, XX аср бошларида шаклланган кино саноати дастлабки вақтдан совет ҳукумати таъсири остида бўлиш билан бирга фақат коммунистик мафкуранинг асосий ташвиқотчисига айланиб борди. Бинобарин, театр санъатида маълум даражада афсона, эски романлар асосида баъзи спектакллар ишланган бўлса, кино санъатининг дастлабки вақтидан кино саноати партия манфаатларига бўйсундирилган.

Асосий қисм. XX аср бошларида совет давлатининг кучайиб борган мустамлака мустабид сиёсати, унинг ғоявий оқимлари жамият ҳаётининг барча кўринишлари, хусусан энди шаклланиб бораётган кино санъати соҳасида ҳам ўз аксини топди.

1924 йилда Ўзбекистонда “Бухкино” кино ташкилоти юзага келди ва бир қанча ҳужжатли-хроникал фильмлар ҳамда “Ўлим минораси” (режиссёр Вячеслав Висковский) номли илк бадий фильмни ишланди. 1925 йилда “Туркгоскино” ва “Бухкино” бирлаштирилиб “Ўзбекистон давлат кино” (“Ўзгоскино”) трестига айлантирилди. Ўша пайтда фаолият кўрсатиб келаётган “Шарқ юлдузи” киностудияси ҳам унинг таркибига киритилди [5. 109-113-116]. Трест Тошкентдаги Эшонқул масжидига жойлашди [4.347]. Бу вақтларда ўзбек киносини миллий кадрлар билан таъминлаш масаласи асосий ўринларда эди. Шу мақсадда бир қанча ёшлар, хусусан, Й.Аъзамов, Э.Ҳамроев, С.Искандаров, Р.Пирмуҳаммедов,

Р.Аҳмедов, Р.Тўрахўжаев ва бошқалар Москва кино техникумига ўқишга юборилди. Ўша даврда Ўзбекистонда И.Доронин О.Фреллих, В.Тимковский, В. Шевченко, А.Дорин, А. Буханский каби рус кино усталари фаолият олиб борди. Ўзбек кинорежиссёрлари Наби Ғаниев ва Сулаймон Хўжаев рус режиссёрлари билан ҳамкорликда фильм яратиш жараёнида улардан профессионаллик сирларини ўзлаштириб бордилар.[3.21]

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмида яратилган фильмлар, асосан, республика ижтимоий-сиёсий воқеалари, ер-сув ислохотларига бағишланган эди. Жумладан, “Пахтаорол”, “Бахт куши”, “Иккинчи хотин”, “Ровот қашқирлари”, “Чодира” ва бошқа фильмлар шу йилларда яратилган. Бу фильмларда Н.Ғаниев, С.Хўжаев, Р.Тўрахўжаев, К.Ёрматов, Р.Мессерер ва бошқалар суратга тушган. Таъкидлаш жоизки, айти шу вақтларда А.Қодирий, З.Саид, С.Хусайн, А.Авлоний, Н.Ғаниев, Н.Погодин, Х.Хевсанский ва бошқаларнинг кино ҳақидаги мақолалари ўзбек киноси шаклланиши ва ривож топишида катта аҳамият касб этган. [14.315]

1920 йилларда кино санъати асарлари асосан Баку, Оренбург ва Москвадан келтирилди эди. Аммо, Баку ва Оренбург шаҳарларида миллий-озодлик ҳаракатининг кучайганлиги натижасида, янги кино асарлари олиб келишнинг иложи бўлмай қолади. Шу билан бирга, бу даврда кино маҳсулотларининг жуда кўпчилиги ҳарбий бўлинмалар ихтиёрида эди. Республика раҳбарияти Туркистон республикасининг кино санъатига бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида Москвага кўплаб мурожаатлар қилди. 1921 йилги маълумотларга кўра Москва Туркистон республикаси учун миллион сўмлик фотокино материаллар беришга қарор қилган. Айти пайтда Москва берган ушбу маблағ совет давлатининг Туркистон халқлари олдидаги тарихий “хизматларини” тарғиб этишга қаратилиши лозим эди. [2.56]

1920-йилнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистондаги барча кино ширкатларини бирлаштириш зарурияти юзага келди. Бунга сабаб, аввало, республикада кино санъатига марказлаштирилган ҳолда

рахбарлик қилиш эди. Бундан ташқари, кино санъатида марксча-ленинча ғоя ва мафқурани тарғиб этиш, турли хил “норасмий” ғояларнинг тарқалишини олдини олиш учун ягона кино индустриясини ташкил этиш зарур, деб топилди. Бу, ўз навбатида Ўзбекистонда фильмларни ишлаб чиқариш ва прокат қилиш ҳуқуқини монополизация қилишдан иборат эди. Шу аснода Бухоро-рус кино ширкати ўзбек кино ширкатига қўшилди. [13.30]

1925 йил 4 июнда ташкил этилган кинотрест - “Шарқ юлдузи” жадаллик билан ишлай бошлади. У жойлашган Тошкентдаги Шайхонтоҳур масжидининг хужралари лаборатория, цех, павильонларга айлантирилди. “Шарқ юлдузи” ширкати аввал бошда асосий фильмларни ижарага бериш билан, кинотеатрларнинг репертуари ва умуман фаолияти билан шуғулланиб келган.

Ўша даврларда кино қурилмалар нафақат Тошкентда ҳам анча тақчил бўлган. Масалан, “Кино-фронт” газетаси 1927 йил 15 февралда Ўзбекистон Давлат киноси қошида 7 та қишки, 16 та ёзги кинотеатр ва 58 та аппарат борлигини ўз ўқувчиларига хабар қилган.[12.23] Даставвал овозсиз кинофильмлар ишлаб чиқарилиб, намойиш этиб борилган. Кейинчалик 30-йиллар ўрталарига келиб овозли фильмлар пайдо бўлган. 1935-1936 йилларда “Шарқ юлдузи” кинофабрикасида суратга олинган ўзбек кинематографчиларига овозли кино ишлаб чиқаришда “қўмаклашиш” мақсадида Москвадан келган А.Усольцев режиссёрлик қилган. “Қасам” фильмида ҳам ерсув ислоҳоти даврида юз берган воқеалар бадиий бўёқларда ва ҳодисалар орқали баён этилган. Бу биринчи ўзбек овозли кино асари кейинчалик Франция, Туркия, Эрон, АҚШда намойиш этилади. [15.20] Компартия, Совет ҳокимияти ана шундай ленталар кўплаб яратилиши ва тарғиб-ташвиқ қилиниши учун барча шароитларни яратиб берди. [10.140-141-220-223]

Жумладан, “Шарқ юлдузи” трести ўз фаолиятида устувор йўналиш сифатида жамият ҳаётида партиявий раҳбарликни кучайтириш, яратилаётган асарларнинг ғоявий-мафқуравий томонига

эътиборни оширишга қаратди. “Шарқ юлдузи” трести томонидан ишлаб чиқилган энг дастлабки асарлардан бири “Шўроларга кимларни сайлаш ва кимларни сайламаслик керак” деган асар эди. Лента ер-сув ислохоти ҳақидаги ҳамда хотин-қизлар озодлиги учун бошланган курашни кўрсатувчи асар бўлган. Кадрларнинг мазмуни паранжи ташлаш, деҳқонларга таноб-таноб ер тақсимланиши, колхоз далаларига биринчи тракторнинг чиқиши каби масалалар билан боғлиқ эди.

Ўзбекистон тарихида XX аср 20-йиллари иккинчи ярми, 30-йиллар совет ҳокимиятининг ўз сиёсий-мафкуравий мавқеининг янада ривожланган, тобора мустаҳкамланиб борган даври бўлди. Миллий озодлик ҳаракатининг бостирилиши, сиёсий муҳолифатдаги партиялар, сиёсий кучларнинг тор-мор этилиши натижасида большевикларнинг мутлоқ ҳокимликка эришуви юзага келди. Энди компартия жамиятнинг барча жабҳалари, энг аввало маданият ва санъат устидан яккахокимлигини ўрнатди. [8.29-30]

Октябрь давлат тўнтарилишининг дастлабки йилларида, жумладан 20-йилларнинг ўрталаригача жамият ҳаётида вақтинчалик демократик тамойилларининг амал қилганлигини, маданий-маърифий муассасалар фаолиятида муайян эркинликлар мавжуд бўлганлиги таъкидлаш керак. Аммо, 1920-йиллардан ўрталаридан бу борадаги вазият ўзгарди. Совет давлати ўз синфий душманларига қарши курашда қўли баланд келиб ўзининг сиёсий маънавий устунлигини қўлга киритгач, аста-секинлик билан миллий маънавиятларни камсита бошлади.

1920-йилларнинг охири, 1930-йилларда ўзбек киноси мафкуравий-сиёсий зуғумларга қарамасдан ривожланиб борди. 1925-1936 йилларда Ўзбекистонда 20 та тўлиқ метражли бадиий фильмлар, шунингдек, 30 дан ортиқ қисқа метражли хроник фильмлар ишлаб чиқилди. [11.119][7.100]

Ушбу фильмлар ўз мазмун-моҳиятига кўра 3 йўналишда яратилганди. Биринчи йўналишдаги фильмлар шарқ хотин-

қизларининг озодликка чиқиши, “Хужум” ҳаракатига бағишланган бўлса, иккинчи йўналишдаги фильмлар ички инқилобга қарши кураш, миллий-озодлик, истиқлолчилик ҳаракатига йўналтирилган. Учинчи йўналишда кино асарлар мамлакатдаги зиддиятли ҳолатлар, жиноятчилик, унга қарши кураш масалаларини ўз ичига олган. Умуман, мазкур кино асарларида кўтарилган умумий ғоя – совет давлатининг ички душманларига “эскиликка” қарши кураши эди. [1.19]

1930-йилларнинг бошларига келиб ўзбек киночилари мустақил ижод қила бошладилар. Рус санъаткорлари бошчилигида яратилган “Иккинчи хотин”, “Соябон арава”, “Авлиё қизи” каби асарлар миллий кадрлар учун ижодий мактаб ўрнини эгаллади. 1931 йилда эса Ғани Набиев комсомолларга бағишланган “Юксалиш” фильмини суратга олади. Бу лентада биринчи ўзбек режиссёри кинонинг имкониятларини синаб кўради. Бир йилдан сўнг эса “Рамазон” сценарийсини ёзиб, уни режиссёр сифатида суратга олди. Кино қаҳрамони “янги ҳаёт” тўғрисида тасаввурга эга бўлиши ушбу асарда кўрсатилади.

Кейинчалик “Қасам”, “Азамат”, “Тоҳир ва Зухра”, “Навоий”, “Насриддиннинг саргузаштлари” бадиий фильмларининг чиқиши ва ўзбек киносига янги актёрларнинг қўшилиши, миллий режессура, драматургияда эришилган дастлабки йирик муваффақиятлар натижасида қирқинчи йиллар бошида ўзбек киносида актёрлик мактабига асос солинди ва маҳаллий кино мутахассисларининг ижодий кадрлари камолга етди. Бу давр ўзбек кино санъатининг шиддатли ўсиши, миллий кинорежессуранинг мураккаб ва фойдали изланишлари Ўзбекистон киночиларининг уруш йилларида Тошкентда ижод этган йирик усталаридан қизгин сабоқ олиши билан характерланади. Ўзбек кинодраматургиясининг шаклланиши ва ривож доимо маҳаллий киноактёрлар билан боғлиқ бўлди. Бу соҳадаги муваффақият ҳам, мағлубият ҳам доимо ижрочиларнинг тақдирида аниқ акс этди.

XX аср бошларида совет давлатининг мафкуравий тизимини яратиш ва у орқали аҳолига сиёсий-мафкуравий таъсир ҳамда тазйик ўтказишнинг механизмини ишлаб чиқиши янги типдаги мактаб, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, тарғибот ва ташвиқот тизимини яратиш ва шакллантириши билан амалга оширилди. Айни пайтда билим ва маҳоратга эга бўлган миллий театр труппа жамоалари ва уларга бефарқ бўлмаган миллий зиёлилар театр ва кино хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини матбуот орқали халққа етказишга ҳаракат қилдилар.

Шу йиллари Малик Қаюмов актёр ва оператор сифатида, Эргаш Ҳамроев сценарийчи ва актёр сифатида, Йўлдош Аъзамов ижрочи ва режиссёр сифатида, Раҳим Пирмуҳаммедов, Рустам Тўрахўжаев турли ҳаракатдаги роллар ижрочилари сифатида Сулаймон Хўжаев режиссёр ва актёр, образ яратишга қодир иқтидор соҳиблари сифатида ижод майдонига чиқдилар. Улар Ўзбекистонда истиқомат қилган ва “Шарқ юлдузи” трестининг илк асарларини яратган рус санъаткорларининг тажрибасини ўрганиб, тажриба ҳам орттира олдилар. [6.19-26]

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек киноси советлаштириш даврида ривожланганлиги учун тузум сиёсатидан четда қолмади. Аксинча, кино санъати энг таъсирчан санъат тури сифатида, инсонларнинг онгини ўзгартиришга, маънавий эҳтиёжлари ва дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилди. Аммо, кино санъатининг имкониятлари кенг эканлигини, хат-саводни билмаган авом халқ яратилган фильмларни томоша қилиб, тузумнинг мафкурасини осон “ҳазм” қилиши мумкинлигини фаҳмлаган юқоридагилар ушбу санъат турини тарғибот-ташвиқот воситаси манбаига айлантириш учун бор кучларидан фойдаландилар.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. ЎзР МДА Р-34-фонд, 1- рўйхат, 39-йиғма жилд, 19-варақ.
2. ЎзРМДА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 600- йиғма жилд, 56-варақ.

3. ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2746- йиғма жилд, 21-варақ.
4. ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2762- йиғма жилд, 347-варақ.
5. ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2932- йиғма жилд, 109-116-варақлар.
6. ЎзР МДА, Р-94-фонд, 1-рўйхат, 462-йиғма жилд, 19-26-варақлар.
7. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 1352-йиғма жилд, 100-варақ.
8. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2463-йиғма жилд, 29-30-варақлар.
9. ЎзР МДА, Р-2343-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 119-варақ;
10. ЎзР МДА, Р-2343-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 140-141 варақлар;
11. ЎзР МДА, Р-2343-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 220-223-варақлар.
12. Акбаров Х. Сехрли ёғду. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 . – Б. 23.
13. “Кино газета”, 1925, 30 апрель
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энц-яси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 315 б.
15. Хидоятлов Ш. Санъатга бағишланган умр // Совет Ўзбекистони санъати. 1980, №7, – Б. 20.

ВЛИЯНИЕ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА НА НАЦИОНАЛЬНОЕ КИНОИСКУССТВО.

Аннотация: Автор статьи, проведя аналитический анализ этапов развития узбекской кинематографии, выявил, что авторитарный режим препятствовал свободному развитию кинематографа, и в то же время киноиндустрия стала инструментом агитации и пропаганды для укрепления роли «советов» и насаждения идей коммунизма.

Ключевые слова: “Туркгоскино”, “Бухкино”, “Узгоскино”, трест “Звезда Востока”, советы, культура, центральный комитет.

THE INFLUENCE OF SOVIET STATE POLICY ON UZBEK CINEMA ART.

Abstract: The author of article, carrying out on analytical study of the stages of development of Uzbek cinematography, revealed that the authoritarian regime of Soviets was an obstacle to the development of cinematography, and at the same time, the cinematography became a tool of agitation and propaganda to strengthen the “role of the Soviets” and instill the ideas of communism.

Key words: “Turkgoskino”, “Bukhkino”, “UzGosKino”, the trust “Zvezda Vostoka”, Soviets, culture, central committee